

БАҲОЛОВ-МАСЛАҲАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА №34-02 сонли ШАРТНОМА

«08» июнь 2022 й.

Тошкент ш.

«ESTIMATECONSULTGROUP» масъудияти чекланган жамияти (будан буён матида «Ижрочи» деб аталади), унинг номидан Низом ва Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан 15.04.2014-йилда берилган баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (ҳисоб серияси ВЛ 001, тартиб рақами 0032 ва лицензия кайд рақами RR-0183), ҳамда уставига асосан ҳаракат қилувчи жамият директори Р.Б. Миралимов бир томондан ва Тошкент давлат аграр университети томонидан 27.12.2021-йил 1-6-6/1229-сонли буйруқ асосида ҳаракат қилувчи Молдия-иктисод ишлари бўйича проректори А.А. Абдувакилов (будан буён матида «Буюртмачи» деб аталади) иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолиятини тўғрисида»ги 1999 йил 19 августдаги №811-1 Қонунига асосан баҳолов-маслаҳат хизмати кўрсатиш учун қуйидаги шартномани имзоладилар:

I. ШАРТНОМАМОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

- 1.1. «Ижрочи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида баҳолаш билан боғлиқ ашёвий хусусиятга эга бўлмаган баҳолаш-маслаҳат хизматларини амалга оширади.
- 1.2. «Буюртмачи» «Ижрочи»га баҳолаш учун корхона, таъкилот ҳисобида бўлган ёки хусусий мулклар рўйхатини, тегишли ҳужжатларни тақдим қилади ва кўрсатилган баҳолаш-маслаҳат хизмати ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.3. «Ижрочи»нинг «Буюртмачи»га ишбатан бўлган муносабати мустақил баҳоловчи-маслаҳатчи шаклини аке эгитиради.
- 1.4. Баҳолаш объектининг техник ҳолати, параметрлари ва миқдори буюртмачи тақдим этган маълумотлардан олинади, уларнинг тўғрилиги ва сақланиши юзасидан барча жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 174,175-моддаларига биноан «Буюртмачи» зиммасида бўлади.
- 1.5. Баҳолаш объектига бўлган юридик ҳуқуқлар экспертизадан ўтказилмайди ва унинг юридик ёритилиши учун жавобгарликни «Ижрочи» ўз зиммасига олмайдди, чунки барча маълумотлар буюртмачидан олинади.
- 1.6. Баҳолаш натижаси баҳолаш санаида фойдаланилган маълумотлар ва қилинган таҳмин-ларга узвий боғланганлиги учун олинган қиймат фақат баҳолаш санаида ҳақиқий ҳисобланади. Бошқа қуилардаги мулк қийматига таъсир этувчи вазиятларнинг (ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, юридик ва табиий шароитлар) ўзгаришларини баҳоловчи томонидан аниқлаш имкони йўқлиги сабабли ҳисобланган қиймат бошқа саналарга эҳтимолий хусусиятга эга бўлганлиги учун тавсиявий деб қабул қилинади.
- 1.7. «Ижрочи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи»ни буюртмаси асосида баҳолаш ишларини амалга оширади.

Баҳолаш ўтказишдан мақсад: Бошқарма АМИБ терговчиси адлия кичик маслаҳатчиси Ж.Т.Хайитбоевнинг 2022 йил 07 январь кунги 270022/2021-29-сонли қарорини ишчи бўйича мутахасис жалб қилиши, эксперт деб эътироф этиши ва экспертиза муассасасидан ташиқарида экспертиза тайинлаш тўғрисидаги Қарорини ижросини таъминлаш.

Баҳолаш объектининг аниқланган қиймати тури: бозор қиймати

II. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартномага асосан Буюртмачи Ижрочиға бажарилган ишлар, хизматлар учун 37 800 000 сум (ўттиз етти миллион саккиз юз минг) сўмҚҚС сиз тўлайди.
- 2.2. Тўлов ҳақининг 30% (11 340 000) и Буюртмачи томонидан шартнома имзоланганидан сўнг уч кун мобайнида тўланиши шарт, қолган 70% (26 460 000) бажарилган ишларнинг якуний ҳулосаси олинанишидан олдин тўланиши шарт.
- 2.3. Иш ва хизматлар якуни бўйича тайёрланган ҳисоботни «Ижрочи» ишни тошириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан «Буюртмачиға тоширади.
- 2.4. Ижрочи мазкур шартномани бажариш мобайнида Буюртмачининг асбоб-ускуналари, жиҳоз ва бошқа материалларидан фойдаланиши мумкин.
- 2.5. Ушбу шартноманинг 4.4 бандига асосан Ҳисобот матни билан танишгандан сўнг 5 (беш) кун ичида тўловнинг қолган қисминини «Ижрочи»га тўлаб бергандан сўнг Ҳисоботни қабул қилиб олади.
- 2.6. Ушбу шартнома қиймати, шартномавий қиймат тўғрисидаги келишув баённомасига асосан белгиланади.

III. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

- 3.1. Баҳолаш объектини баҳолаш муддати, буюртмачи томонидан баҳолаш объектига тааллуқли бўлган ҳужжатлар тўла тақдим этилгач ва аванс тўлови тўланган кундан бошлаб 3 кун белгиланиб бошланиши ва тугалланиши хизматни тошириш-қабул қилиш далолатномасида аке эгитиралади.
- 3.2. Баҳолаш объектига тааллуқли ҳужжатлар тақдим этилиши ва аванс тўлови кечиктирилган қуиларга баҳолов муддати узайтирилади.

IV. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:
 - баҳолаш фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ва баҳолаш стандартлари талабларига риоя этиши;
 - ҳолисона баҳолашни ўтказишга тўққинлик қилувчи ҳолатлар юзага келганини оқибатида баҳолашни ўтказишда ўзининг иштирок этиш имконияти йўқлиги тўғрисида буюртмачиға хабар қилиши;
 - баҳолаш ўтказилаётган пайтда олинаётган ҳужжатлар сақланишини таъминлаши;
 - баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензияни буюртмачининг талабига биноан тақдим этиши;
 - баҳолаш ўтказилаётган пайтда буюртмачидан олинган махфий ахборотни ошкор этмаслиги, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустақило;
 - ҳисоботнинг нухасини 3 йил мобайнида сақлаши шарт.
 - баҳолаш ҳақидаги Ҳисобот Буюртмачининг ахборот ва маълумотларига асосан тайёрлайди.
- 4.2. «Ижрочи»нинг ҳуқуқлари:
 - баҳолаш усулларини мустақил қўллашга;

- баҳолаш объектини мажбурий баҳолашдан ўтказишда ҳужжатлардан фойдаланиш эркинлиги таъминлашни “Буюртмачи” дан талаб қилишга, ушбу баҳолашни амалга ошириш учун зарур бўлган тушунтиришлар ва кўшимча маълумотлар олишга;
- баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни учинчи шахслардан талаб қилиб олишга. Мазкур ахборотни беришни рад этиш баҳолашнинг ишончлилигига жиддий таъсир этадиган ҳолларда, “Ижрочи” буни баҳолаш тўғрисидаги Ҳисоботда кўрсатиб ўтади;
- баҳолашни ўтказишда ишгирик этишга зарурлигига қараб шартнома асосида бошқа баҳоловчилар ёки ўзга мутахассисларни жалб этишга;
- “Буюртмачи” шартнома шартларини бузган, баҳолаш объекти ҳақида зарур ахборот тақдим этилишини ёки шартномага мувофиқ иш шартларини таъминламаган ҳолларда, баҳолашни ўтказишни рад этишга ҳақли;
- “Ижрочи” қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

4.3 “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- “Ижрочи” томонидан қўйилган, баҳолашда фойдаланиладиган масалаларни тезкор ҳал қилиш;
- баҳоланаётган объект ҳақида “Ижрочи”га амалдаги тартиб ва қондалар асосида иш натижалари ҳақида тўла ҳужжат тайёрлаш учун етарлича ишончли маълумотлар 3 кун ичида тақдим этиши, ҳамда баҳоланаётган объект билан таъиниш учун шарт-шароитлар яратиш;
- “Ижрочи”га ушбу шартноманинг 2.1 бандлари бўйича бажарилган тўла хизмат ҳақини тўлаши;

4.4 “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

- “Ижрочи”дан баҳолаш ишларини бажарилиши юзасидан маълумот ва ахборотлар олиш;
- “Ижрочи” билан фойдаланиладиган шарт шароитлар, тахминлар ва чекловлар ҳақида келишиш;
- баҳоланаётган объект ҳақида якуний Ҳисобот матни билан таъиниш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

Ушбу шартнома бўйича белгилаб қўйилган мажбуриятларнинг тўғри ва аниқ бажарилиши учун томонлар жавобгардирлар.

- “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган, ишончсиз маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар ва ахборотлар асосида қилинган хулосалар учун “Ижрочи” жавобгар бўлмайди. “Ижрочи” касб ва маҳорати асосида бу камчиликларни аниқлаш шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно.
- Баҳолаш объектига бўлган юридик ҳуқуқлар экспертизадан ўтказишмайди ва унинг юридик ёритилиши учун жавобгарликни “Ижрочи” ўз зиммасига олмайди, чунки барча маълумотлар буюртмачидан олиниб, фойдаланилган шарт шароитлар, тахминлар ва чекловлар билан Ҳисоботда келтирилади.
- Буюртмачи Ижрочиға ушбу шартноманинг 2.2-бандида белгиланган муддатда кўрсатилган консалтнинг хизмат ҳақи учун тўловни амалга оширмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 %и миқдорда пеня тўлайди, лекин ушбу пеня миқдори шартнома сумманинг 50 % идан ошмаслиги керак.
- Буюртмачи кўрсатилган консалтнинг хизмат ҳақини тўлашдан бош тортган ёки тўлашни рад этган тақдирда “Ижрочи”га рад этилган сумманинг 15 %и миқдорда жарима тўлайди.
- Буюртмачи шартномага асосан бажарилган ишларнинг якуний хулосасини асоссиз равишда олишдан бош тортган тақдирда “Ижрочи”га шартнома умумий суммасининг 50 %и миқдорда жарима тўлайди.
- “Ижрочи” бажарилган ишларнинг якуний хулосасини ушбу шартномада кўрсатилган муддатда топширмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.4 % миқдорда пеня тўлайди, лекин ушбу пеня миқдори шартнома умумий суммасининг 50 %идан ошмаслиги керак.
- Жарима ёки пеня тўлашиши томонларнинг шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш ва келтирилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.
- Буюртмачи шартнома имзолангандан сўнг бажарилган ишларнинг якуний хулосасини асоссиз равишда олишдан бош тортишга ҳақли эмас ва бу ҳолатда Ижрочи Буюртмачидан шартнома бўйича белгиланган суммани ундириб олишга ҳақли.

VI. ШАРТНОМАНИНГ АЛОҲИДА ШАРТЛАРИ

- Ушбу шартномани бажариш даврида Буюртмачидан олинган барча маълумотларни Ижрочи бошқа шахслардан сир сақлаш лозим.
- Ушбу шартномани бажариш мобайнида келиб чиқадиган барча келишмовчиликлар ва ишлар томонларнинг ўзаро келишув асосида ҳал қилинади, томонлар ўзаро келиш олмаган тақдирда иқтисодий суди орқали қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.
- Ушбу шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.
- Ушбу шартнома томонлар уни имзолаган кундан бошлаб ўз мажбуриятларини тўла бажарушига қадар амалда бўлади.
- Ҳисоботга “Буюртмачи” томонидан қабул қилинган кундан бошлаб 3 (Ўч) кун муддат ичида Баҳолаш натижасига ёзма эътирозлар билдирилмаса хизмат тўла бажарилган деб қабул қилинади ва кейинги эътирозлар қабул қилинмайди.
Ушбу шартнома икки нусхада, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хит юридик кучга эга.
- Мазкур шартнома 2022-йил 31-Декабрьга қадар амал қилади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ

Ижрочи :

«ESTIMATE CONSULT GROUP» МЧЖ.
Тошкент ш., Чилонзор т. Чилонзор кучаси
10Б-26уй. P/c:2020 8000 4062 4122 7001;
АИКБ “ИПАК ЙУЛ” Банк Янгийул филиали
МФО: 01081; ИСН: 302659830
ОКОНХ 84500
тел: +998903481000



Буюртмачи :

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
Тошкент шаҳар Университет кўчаси 2-уй
Молия вазирлиги Газначилиги
P/c: 2340 2000 3001 0000 1010
ИНН: 201 122 919ХККМ МБ Бош бошқарма
МФО: 00014ИИИИ:201 678 867
X/P 40011086027248709410008200



М.У.

Юрисп. [Signature]



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'IRISIDA

GUVOHNOMA

Reestr № 009014-08№ 009014

2013 yil "12" iyul

Markaziy guvohnoma

"ESTIMATE-CONSULT GROUP"

Tashkiliy-huquqiy shakli

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

yuridik shaxsga berildi

THSHI (OIIIΦ)

1152

Mulkchilik shakli

Aralash

MSHI (ΦC)

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

CHO'PON-OTA KO'CHASI, 10B-14

MHBT (COATO)

1726294

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (OKPIO)

24454770

Asosiy faoliyat turi: *Marketing tadqiqotlari, tijoriy faoliyat, moliya va boshqaruv masalalari bo'yicha maslahat xizmati*

XXTUT (OKOHN)

84500

Solq tolovchining identifikatsiya raqami:

STIR (IIIIII)

302659830

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ boshlig'i:

I. Tulyeganov

Hisob seriyasi

BL 001



Tartib raqami

0032

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING XUSUSIYLASHTIRISH,
MONOPOLIYADAN CHIQRARISH VA RAQOBATNI
RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI

LITSENZIYA

Mazkur litsenziya bilan **« ESTIMATE - CONSULT GROUP »**

shaharlash (shaharlash) amaliy ma'muriy korxonasi sifatida faoliyat olib boruvchi shaharlash va qurilish kompaniyasi

mas'uliyati cheklangan jamiyati ga

2014 yil 15 apreldan O'zbekiston Respublikasi hududida ko'char mol-mulkni

(yil, kun, oy)

(shaharlash faoliyati tuzi)

(qimmatbaho qog'ozlar, ulushlar, intellektual mulk ob'ektlari va boshqa
nomoddiy aktivlardan tashqari)

baholash bo'yicha faoliyatini amalga oshirish huquqi beriladi.

Toshkent shahar,

(shaharlash faoliyati amaliy ma'muriy)

Cho'pon-ota ko'chasi, 10B-14.

korxonasi sifatida faoliyat olib boruvchi

302659830

(litsenziya raqamining ushbu ko'rinishi sertifikatidagi litsenziya raqamini)



Vakolatli shaxs **A.A. Abduhakimov**

(nomi, shahar, telefon raqami)

(imzo)

RR - 0183

(litsenziya raqamining ushbu ko'rinishi)

Berilgan vaqti: 29.04.2014 y.

Hisob seriyasi

BS 003



Tartib raqami

00269

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH
AGENTLIGI

BAHOLOVCHINING MALAKA
SERTIFIKATI

1141 - sonli



Toshkent sh.

20 20 y. " 16 " mart

O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan

MIRALIMOV RAVSHAN BAXADIROVICH

ga

(Kimga - baholovchining F.I.Sh.)

(AA 2490075 Toshkent shahar Yunusobod tumani IIB tomonidan 2013 yil 9 avgustda berilgan.)

(pasport sur'vasi, rasmi, qochim va kim tomonidan berilgan)

amal qilish muddati: 2020 yil 16 martdan 2025 yil 16 martgacha berilgan.

(amal qilish muddati)

O'zbekiston Respublikasi hududida rўyxatga olingan baholash tashkiloti nomidan
mulkni baholashga ruxsat beriladi va sertifikatlangan baholovchi toifasi berildi

O'zbekiston Respublikasi Davlat
aktivlarini boshqarish agentligi
(vakolatli shaxs)

T.N. Nabiye



Baholovchi malaka sertifikatining amal qilish muddati:

20 y. " " dan 20 y. " " gacha uzaytirilgan.

Imzo _____ M.O. _____



ПОЛИС № 1006/51/0009

СТРАХОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ОЦЕНЩИКОВ

ООО «GROSS INSURANCE» подтверждает, что в соответствии с условиями Договора страхования профессиональной ответственности оценщиков № 1006/51/0009 от «16» июля 2020 года (далее «Договор») предоставляет страховую защиту.

1. Страхователь:	ООО «ESTIMATE-CONSULT GROUP»
2. Адрес Страхователя:	г.Ташкент, Чиланзарский р-н., ул. Чопон ота, дом 10 «В», кв. 14
3. Срок действия договора:	с «16» июля 2020 года по «15» июля 2021 года
4. Территория страхования:	Республика Узбекистан
5. Общая страховая сумма:	15 000 000 (пятнадцать миллионов)
6. Лимит страхового возмещения по каждому страховому случаю:	15 000 000 (пятнадцать миллионов)
7. Общая страховая премия:	75 000 (семьдесят пять тысяч)

Обязательства ООО «GROSS INSURANCE» по выплате страхового возмещения вступают в силу с «16» июля 2020 года и действуют по «15» июля 2021 года при условии своевременной оплаты страховой премии.

От имени Страховщика:
Генеральный директор
ООО «GROSS INSURANCE»


Абдусатторов А.А.
руководитель



Дата выдачи полиса: «16» июля 2020 г.

Центр поддержки клиентов - единый круглосуточный телефонный номер 1166.
С предложениями и замечаниями в качестве наших услуг Вы можете обратиться по телефону доверия
(71) 207 20 11

0192683

Ташкент, Узбекистан